

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВА САНОБАРХОН ЯКУБОВНА

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ
(Фарғона вилояти мисолида)**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
philosophy) по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
philosophy) on economic sciences**

Исмоилова Санобархон Якубовна

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни
таъминлаш масалалари (Фарғона вилояти мисолида) 5

Исмоилова Санобархон Якубовна

Вопросы обеспечения эффективного использования средств местных
бюджетов (на примере Ферганской области) 29

Ismoilova Sanobarkhon Yakubovna

Issues of ensuring effective use of funds of local budgets (on the example of
Fergana Region) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВА САНОБАРХОН ЯКУБОВНА

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ
(Фарғона вилояти мисолида)**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ўқт1111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маликов Тоҳир Сатторович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Раҳмонов Дилшоджон Алиджонович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Олимжонов Одил Олимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 49. Тел.: (99871) 232-64-46, факс: (99871) 232-64-46, e-mail: info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 49. Тел.: (99871) 232-64-46, факс: (99871) 232-64-46, e-mail: info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т.Бердияров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда Давлат бюджети ва унинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига доимий равишда жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Зеро, ҳаётга татбиқ этилаётган давлат сиёсатининг муваффақияти ва аксинча, унинг муваффақиятсизлиги ҳамда шуларга мос равишда ҳукуматнинг тақдири, кўп жиҳатдан, ана шунга бевосита боғлиқ. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди модели асосида (Ўзбекистон ҳам шу моделдан фойдаланмоқда) ўз мамлакатларида бозор муносабатларини шакллантирган хорижий мамлакатлар (Германия, Япония, Швеция, Финляндия, Норвегия, Дания ва б.) тажрибаси бюджет ва шу жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда Давлат бюджети ва шу жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида, асосан, муаммонинг икки жиҳатига, яъни натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методидан фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунга дахлдор бўлган илмий-тадқиқотларда муаммолар, жумладан: узоқ муддатли бюджет дастурлари ижросининг натижавийлигига макроиқтисодий башоратлар аниқлигининг таъсири, узоқ муддатли бюджет дастурларининг натижавийлигини баҳолашда стратегик ва бюджет режалаштиришининг ўзаро алоқадорлиги, шакллантириш ва уларнинг натижавийлигига баҳо бериш босқичида узоқ муддатли бюджет дастурларини мувофиқлаштириш механизмлари ва методологик асослари, узоқ муддатли бюджет дастурларини тузиш ва унинг натижавийлигини баҳолашда юқори даражадаги ҳокимият органларининг методик кўрсатмаларини қўллаш, узоқ муддатли бюджет дастурларининг натижавийлиги ва самарадорлиги кўрсаткичларини танлаш ва ҳисоб-китоб қилиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар йили Давлат бюджетидан унинг тараққиётини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жуда катта миқдордаги маблағлар сарф қилинади. Уларнинг асосий қисми эса маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилади. Бюджетдан, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қилинадиган ҳар қандай харажатлар ўзининг самарали сарфланишини тақозо этади. Бироқ бюджет, айниқса, маҳаллий бюджетлар маблағларини олдиндан белгиланган мақсадларга зид ёки мақсадсиз сарфланиши ҳолатларини содир бўлаётганлиги ушбу йўналишда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш бўйича замонавий йўналишларини белгилаш вазифаси бугунги кунда мамлакатимизда ҳудудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат

дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877-сон “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур йўналишдаги бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу диссертацион тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджет, шу жумладан, маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича хорижлик олимлардан А.Б.Бабич, Р.Брейли, Ф.Бригхэм, Д.Брюммерхофф, С.Джеймс, А.Премчанд, Г.В.Поляк, Р.С.Фостер, Дж.Хэррислар томонидан тадқиқ этилган.

Яқин хориж мамлакатлари иқтисодчи-олимларидан О.В.Врублевская, М.В.Романовский, И.А.Пашкевич, Н.Л.Марголина, В.М.Родионова, Т.В.Гуйда, П.Н.Никольский, Н.В.Соколинскаяларнинг илмий тадқиқот ишларида давлат бюджети тизимида маҳаллий бюджетларнинг тутган ўрни, ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимларидан Ҳ.Р.Собиров, Қ.А.Яхъёев, В.А.Андреев, Д.А.Мадалиева, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.А.Қўчқоров, Б.А.Мусаев, Б.Т.Турабов, Д.А.Раҳмонов ва бошқалар ҳам шу соҳани ривожлантириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борганлар¹.

¹Маликов Т. Олимжонов О. Молия. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 800 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009. – 556 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 245 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет (tizimi, tuzilmasi, jara’eni). Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 84 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 112 б. Пўлатов Д.Х., Нурмухамедова Б.И. Ҳазначилик. Дарслик. – Т.: Sano-standart, 2014. – 272 б. Фуқаролар учун бюджет. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, ВМТТД. – Т. 2018. – 96 б. Нурмухамедова Б.И. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. 358-521-бетлар. Нурмухамедова Б.И., Срожиддинова З.Х., Сугирбаев Г.Г. Ўзбекистон Республикасида таълим харажатларини режалаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: InfoCapitalGrup, 2013. – 447 б. Нурмухамедова Б.И., Кабирова Н.В. Молия. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2017. – 228 б. Ғайбуллаев О., Ўроқов У. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни. Ўқув қўлланма. – Т.: Вақтига-press, 2015. – 168 б. Юлдашева Н.В. Местные бюджеты: учебно-методическое пособие. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2015. – 362 с.

Мазкур тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш, давлат бюджети, шу жумладан маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш, ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги масалалари ўрганилган. Бироқ, замонавий ўзгаришлар таъсирини эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз ҳар бир минтақаларининг иқтисодий ривожланишини унинг молиявий масалалари, жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли бу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади. Соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун белгиланган йўналишлар диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг ИТД–2-рақамли “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг туб (фундаменталь) принципларини таҳлил қилиш;

маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг хориж илғор тажрибасини ўрганиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

Фарғона вилояти бюджети харажатларининг таркиби, таркибий тузилмаси ва уларга хос бўлган асосий тенденцияларни аниқлаш;

Фарғона вилояти бюджети маблағларини сарфлаш борасидаги асосий муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш;

маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг замонавий йўналишларини белгилаш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

Файзуллаев Ё.Ш., Азизов И.А. Бюджетни ўрта муддатли режа-лаштириш. – Т.: infoCOM, 2010. - 152 б.
Раҳмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштиришнинг методологик асослари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2017. 248 б. Раҳмонов Д.А. Европа Иттифоқи мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тенденциялари // Biznes-Эксперт. – Тошкент, 2016. - №8. –Б.38-41. Раҳмонов Д.А. Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг самарадорлиги – мамлакатлар инновацион ривожланиши омили сифатида // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2017. - №1. – Б. 141-145.
Раҳмонов Д.А. Ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар (илмий электрон журнал). – Тошкент, 2017. - №2. Раҳмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг назарий методологик асослари // Халқаро молия ва ҳисоб (илмий электрон журнал). – Тошкент, 2017. - №5. – Б.1-9. ва б.

маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилояти бюджети ва унга тегишли бўлган Қўштепа тумани бюджети олинган.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантикий таҳлил ҳамда эконометрик моделлар, социологик сўров, SWOT-таҳлил, қиёслаш, корреляция ва регрессия каби статистик ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ривожлантириш дастурлари самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш мақсадида вазирлик ва идораларда ички аудит хизматини жорий қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

маҳаллий бюджет харажатларини оптималлаштиришда иқтисодий соҳага йўналтирилган маҳаллий бюджет харажатларини 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши таклиф этилган;

давлат харидларида мол етказиб берувчиларга тўланадиган аванс миқдорини 15,0 фоиздан 30,0 фоизгача оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

бюджетдан молиялаштириладиган вазирлик ва идораларнинг қуйи муассасаларида бюджет харажатларини режалаштиришда самарадорлик индикаторларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга принциплари тизимлаштирилган;

маҳаллий бюджетлар доирасида маблағларнинг қандай фойдаланилаётганлигини характерловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ва уларни аниқлаш формулалари таклиф этилган;

маҳаллий бюджетлар маблағларидан амалиётда фойдаланиш ҳолати республика, вилоят ва туман кесимида таҳлил қилинган, йўналишда энг кўп камчиликларга йўл қўяётган соҳалар аниқланган;

маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг энг асосий истикболли йўналиши сифатида натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш ва бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли методидан амалиётда фойдаланишнинг имконияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда келтирилган хулоса ва тавсияларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалиётида муаллифлик таклиф ва тавсияларнинг жорий қилинганлиги, амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, Фарғона

вилояти ва унинг Қўштепа тумани бюджетлари маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда давлат бюджети, шу жумладан маҳаллий бюджетларга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда, мазкур йўналишдаги фаолиятни баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали сарфланишини таъминлаш билан шуғулланувчи тузилмалар (вилоят молия бошқармалари, туман (шаҳар)лар молия бўлимлари ва б.) фаолиятида унинг натижаларини қўллаш имконияти ташкил этади. Амалиётда муаллиф тавсияларидан маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимини жорий қилиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-657-сон “2021йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 06/04-02-01-37/239-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2021йил учун Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг харажатлари самарадорлик индикаторлари белгиланган;

ривожлантириш дастурлари самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш мақсадида вазирлик ва идораларда ички аудит хизматини жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-657-сон “2021йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 06/04-02-01-37/239-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

маҳаллий бюджет харажатларини оптималлаштириш ва солиқ солиш базасини кенгайтириш мақсадида иқтисодий ўсишга йўналтирилган маҳаллий бюджет харажатлари миқдорини ошириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-657-сон “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида ўз

аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 06/04-02-01-37/239-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2021 йилда маҳаллий бюджетлардан 2,4 трлн. сўм миқдордаги маблағларнинг хуудларда тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилиши мўлжалланган;

давлат харидларида мол етказиб берувчиларга тўланадиган аванс миқдорини 15,0% дан 30,0% гача ошириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан апробация учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 06/04-02-01-37/239-сон маълумотномаси). Натижада, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича суммаси 1 млрд. сўмгача тузиладиган шартномаларида 30% миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар эълон қилинган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида 7 та илмий мақолалар, жумладан 2 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Илмий ишнинг **“Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг илмий-назарий асослари ва илғор хориж тажрибаси”** деб номланган 1-бобида эътибор асосан икки масалани, яъни а) бюджетдан молиялаштириш принципларига қатъий риоя этиш – маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг туб асоси эканлиги ва б) маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишнинг илғор хорижий тажрибаси ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этишга қаратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма-ҳамма, иложи борича, бор бўлган маблағлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу алоҳида олинган жисмоний шахс, оила, корхона ва ҳ.к.лар учун барабар дахлдор ҳисобланади. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, ҳаётий кузатув ва олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларнинг кўрсатишича, бу муаммо куйидан юқори томон борган сари тобора мураккаблашиб боради. Жумладан, маҳаллий бюджетлар доирасида маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш масаласи ана шундай мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бироқ, фикримизча, бу ерда маълум бир парадокс мавжуд. Бунинг сабаби шундаки, бозор муносабатлари рисоладек амал қилаётган ва дунёнинг тараққий этган мамлакатларида (АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Австрия, Голландия, Италия, Япония, Жанубий Корея ва ҳ.к.) бу муаммо аллақачон муваффақиятли ҳал этилган. Бу мамлакатлардаги маҳаллий бюджетлардан сарфланаётган маблағларнинг самарали сарфланаётганлиги таъминланганлигига ҳеч ким шубҳа билан қарамайди. Аммо Ўзбекистондаги маҳаллий бюджетлар ҳисобидан сарфланаётган маблағларнинг самарали сарфланганлигининг таъминланганлиги тўғрисида гап кетадиган бўлса, афсуски, бундай деб бўлмайди.

Муттасил равишда ушбу мақсадлар учун назорат тадбирларининг ўтказилаётганлиги, бунинг натижасида назорат объектларида кўплаб молиявий хатоликларнинг аниқланаётганлиги, аниқланган молиявий хатоликлар суммасининг катталиги, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомадига йўл қўйилаётганлиги ва уларнинг ўзлаштирилаётганлиги, ноқонуний харажатларнинг амалга оширилаётганлиги ва ҳ.к.лар худди ана шундай тарзда хулоса чиқаришга имкон беради. Бунинг устига, ана шундай ҳолат учун доимийлик хос бўлмоқда, яъни бирор-бир йилда уларга тўлиқ барҳам беришнинг иложи бўлмаяпти. Бундай шароитда ушбу муаммони ҳал қилишнинг туб негизи қаерда, деган муҳим саволнинг кун тартибига қўйилиши табиий. Бу саволнинг ҳақиқий жавобини топиш ниҳоятда принципиал аҳамиятга эга.

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг туб негизлари ҳақида гап кетар экан, бу жараёнда, энг аввало, айнан молиялаштириш принциплари муҳим роль ўйнашини алоҳида эътироф этиш лозим. “Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш” билан унинг негизига қўйилиши лозим бўлган “бюджетдан молиялаштириш принциплари” ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик бор, яъни самарали фойдаланишнинг қай даражада таъминланганлигини айнан ана шу принциплар белгилаб беради.

Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга хизмат қилувчи бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин: а) минимум (кам) харажат қилиб, максимум (юқори) самара олиш; б) маҳаллий бюджет ассигнованияларидан фойдаланишнинг мақсадли характердалиги; в) кўзда тутилган режаларнинг бажарилиши ва олдин берилган ассигнованияларнинг фойдаланилганлигини инобатга олган ҳолда бюджет

маблағларини тақдим этиш; г) бюджет ассигнованияларининг қайтарилувчан эмаслиги; д) бюджет ассигнованияларининг текинлиги (1-расм).

Демак, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашда туб негиз сифатида қаралаётган бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари икки гуруҳга бўлинган бўлиб, уларнинг дастлабки учтаси кўзланган мақсадга эришишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши аниқ. Бироқ, уларнинг охириги иккитасига нисбатан бундай фикрни билдириб бўлмайди. Улар, аксинча, маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланувчиларда бу маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлашга нисбатан бекфарқлик, масъулиятсизлик, жавобгарликни ҳис этмаслик ва шунга ўхшаш бозор иқтисодининг табиатига зид бўлган ҳиссиётларни шакллантиради. Бундай вазиятда уларга бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари сифатида урғу бериш ўзининг етарли даражадаги асосига эга эмас.



1-расм. Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг туб негизи ва унинг оқибатлари²

Бу ерда бир неча қуйидаги муҳим хулосаларни шакллантириш мумкин: а) маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг туб негизини умумэътироф этилган бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари ташкил этади. Уларга қатъий риоя этмасдан ва шунга эришмасдан туриб маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш муаммосини ҳал этиш мумкин эмас; б)

²Тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бир пайтнинг ўзида, бюджетдан молиялаштириш умумий принципларининг фақат бир қисмигина маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шу боис амалиётда, иложи борича, ушбу принциплар талабларининг тўлиқ бажарилишига эришмоқ лозим; в) бюджет ассигнованияларининг текин ва уларнинг қайтарилувчан эмаслиги каби бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари, жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмаётганлиги учун уларнинг бу шакл ва мазмунда ифодаланишидан воз кечиш мақсадга мувофиқ; г) замонавий бозор иқтисодининг талабларини ҳисобга олган ҳолда бюджет ассигнованияларининг текин ва уларнинг қайтарилувчан эмаслиги принципларига янгича мазмун сингдириб, уларни бирлаштириб, бу принципни “Бюджет ассигнованияларининг, аслида, солиқ тўловчиларнинг маблағлари эканлиги, уларнинг текин эмаслиги ва ижтимоий самара кўринишида қайтарилувчанлик характериға эгаллиги” шакли ва мазмунида ифодалаш зарур.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашда бюджетдан молиялаштиришнинг: а) бюджет ассигнованияларини фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларига ажратиш; б) бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш; в) бюджетдан молиялаштиришда режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш; г) корхоналарнинг молиявий ҳолатини бюджетли тартибга солиш принципи талабларига қатъий риоя этиш каби хусусий принциплари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу ўринда, хусусан, масаланинг бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш принципага нисбатан унинг: а) фақат Ўзбекистон амалиётида фойдаланилаётган принцип эмаслиги; б) бюджетдан молиялаштириш жараёнида харажатларнинг чекланган бўлишини ҳам англатиши; в) харажатларнинг олинган даромадлар доирасида амалга оширилиши кераклиги; г) ижтимоий соҳа тармоқларини молиялаштиришга нисбатан қўлланилиши ва уни бу соҳа тармоқларининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмаслиги билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, бюджетдан молиялаштиришда режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш принципи: а) бу, энг аввало, молиялаштириш манбаларининг диверсификацияланганлиги нуқтаи-назаридан принципиал аҳамиятга эгаллиги; б) бу, охир-оқибатда, шу йўлдан фойдаланаётган бюджет муассасаларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириши; в) бошқа шароитлар тенг бўлса, бу нарса бюджетдан молиялаштиришда банд бўлган бюджет ресурсларига бўлган эҳтиёжни камайтириши; г) ҳозирги шароитда ҳаётга кенг татбиқ этилаётган иқтисодий сиёсатнинг кўринишларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик йўналишига ҳам тўғри келиши; д) бюджет муассасасига жалб қилинган қарз маблағларига муносабат (у фақат ва фақат бу маблағларнинг энг

самарали сарфланишига қаратилган бўлиши керак, албатта) масаласи, охи-роқибатда, унинг бюджет маблағлари қисмига нисбатан ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаслиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Шунинг учун юқоридаги принципларнинг амалиётда қўлланиш доирасини, иложи борича, кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, бюджетдан молиялаштиришнинг умумий ва хусусий принципларига нисбатан юқорида шакллантирилган янги хулосалар принципиал аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг инобатга олиниши замонавий бозор иқтисоди шароитида, жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин.

Мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этишда бу йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиш, тегишли хулосаларни чиқариш ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бу ерда барча ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этмасдан, балки Ўзбекистон бозор иқтисодини унинг ижтимоий йўналтирилган моделини қўллаб шакллантираётган экан бундай вазиятда айнан шу моделни қўллаб юқори ижобий натижаларга эришган давлатларнинг амалий тажрибаларини ўрганишга устуворлик бериш ўзининг мантиқий асосига эгадир (1-жадвал).

1-жадвал

Бозор иқтисодиётини “ижтимоий йўналтирилган” модель асосида шакллантирган мамлакатлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари³(млн. АҚШ доллариди)

Т/р	Мамлакатлар	Даромадлар	Харажатлар	Дефицит/-профицит	Йил
1.	Япония	564 000	861 000	-297 000	2018
2.	Германия	397 000	397 000	0	2018
3.	Корея Республикаси	351 600	338 000	+13 600	2017
4.	Швеция	274 800	269 900	+4900	2017
5.	Норвегия	214 300	198 000	+16 300	2017
6.	Австрия	197 800	201 900	-4100	2017
7.	Дания	173 500	175 500	-2000	2017
8.	Финляндия	136 800	140 700	-3900	2017

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бюджет аҳволининг қандай эканлиги билан ундан харж қилинаётган маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлаш ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик йўқ. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, фикримизча, бюджет ва шу жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш нуктаи-назаридан бюджетнинг профицитли ижро этилишига нисбатан унинг

³Википедия маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

дефицитли ижро этилаётганлиги маълум бир устувор (масалан, маблағларнинг етарли эмаслиги уларни сарфланишига нисбатан муносабатни, жумладан, тежаб-тергаб, мақсадли, қонуний ва бошқаларни шакллантиради) аҳамият касб этиши мумкин.

Маҳаллий бюджетлар харажатларидан самарали фойдаланишни таъминлашда илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилаётганда, энг аввало, бу мамлакатлар бюджетлари амалдаги ва кўзда тутилган даражаларининг ЯИИМдаги салмоғига, уларнинг маълум бир даврдаги макроиктисодий кўрсаткичларига, шунингдек, бюджет харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришнинг қандай методларидан фойдаланилаётганлигига эътибор бериш муҳим аҳамиятгаэга (2-жадвал).

2-жадвал

Бозор иқтисодиётини “ижтимоий йўналтирилган модель” асосида шакллантирган айрим ривожланган мамлакатларда бюджетий режалаштириш ва молиялаштириш методлари

Т/р	Мамлакатлар	Режалаштириш ва молиялаштириш методлари
1.	Германия	Жон бошига молиялаштириш, яъни бюджет харажатлари жон бошига нисбатан ажратилади ва харажатлар норматив (меъёр)лари амалда ҳисобга олинмайди.
2.	Янги Зеландия	Жон бошига молиялаштириш. Молиялаштириш унинг қуйидаги шакллари асосида амалга оширилади: а) давлат устувор йўналишлар тўғрисида маълумот беради; б) муассаса қанча контенгентга хизмат кўрсатиши мумкинлигини билдиради; в) давлат қанча контенгентни молиялаштиришга тайёрлигини билдиради (бирок муассаса ундан кўпроқ контенгентга хизмат кўрсатиши мумкин).
3.	Финляндия	Норматив (меъёрий) жон бошига молиялаштириш. Давлат субсидиялари – маҳаллий ҳокимият органларига грантлар компенсация қилиш-тенглаштириш асосида ажратилади, аниқ моддаларга ажратилмайди, бир соат ва контенгентга тўғри келадиган нормативлар ҳисобидан тақдим этилади ҳамда бу йўналишдаги маҳаллий ҳокимият харажатларининг, ўртача, 57,0%ини қоплаши керак.
4.	Швейцария	Бюджет харажатлари жон бошига қараб тақдим этилади.
5.	Жанубий Корея	Норматив (меъёрий) молиялаштириш. Харажатлар хизмат таннархининг салмоғи, ўлчов бирлиги ва тузатиш коэффициентининг кўпайтмасига тенг бўлади.
6.	Япония	Норматив (меъёрий)-жон бошига молиялаштириш. “Универсаль маҳаллий ҳукумат” асосида ҳисоб-китоб қилинади. Харажатларнинг ҳар бир моддаси қуйидаги уч ўзгарувчининг кўпайтмасига тенг: хизматлар таннархининг салмоғи; ўлчов бирлиги ва тузатиш коэффициенти.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили (Фарғона вилояти мисолида)”

деб номланган 2-бобида маҳаллий бюджет маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишлари, унинг таркиби ва таркибий тузилмаси, таркиб топган асосий тенденциялар ва уларнинг асосланганлик даражаси, маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, уни характерлайдиган кўрсаткичлар тизими ва уларга хос бўлган ўзгаришлар, маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш борасидаги муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили амалга оширилган.

Фарғона вилоятида 2010-2019 йиллар давомида бюджет харажатларининг умумий динамикаси қуйидагилар билан характерланади (3-жадвал):

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти бюджети харажатларининг динамикаси⁴

Т/р	Йиллар	Харажатлар		
		суммаси, минг сўмда	унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши минг сўмда	%да
1.	2010	817 561 488,00	-	-
2.	2011	1 003 821 116,10	186 259 628,10	+22,78
3.	2012	1 299 837 264,60	296 016 148,50	+29,49
4.	2013	1 600 713 146,30	300 875 881,70	+23,15
5.	2014	1 825 267 146,70	224 554 000,40	+14,03
6.	2015	2 030 816 118,63	205 548 971,93	+11,26
7.	2016	2 179 201 919,31	148 385 800,68	+7,31
8.	2017	2 267 363 343,60	88 161 424,29	+4,05
9.	2018	3 319 982 513,40	1 052 619 169,80	+46,42
10.	2019	4 962 685 205,58	1 642 702 692,18	+49,48

Фарғона вилоятида маҳаллий бюджет маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишлари, унинг таркиби ва таркибий тузилмаси, таҳлил қилинган йиллар давомида таркиб топган асосий тенденциялар ва уларнинг асосланганлик даражаси таҳлил қилинди (4-жадвал). 4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида маҳаллий бюджет харажатларининг самарали сарфланишини таъминлаш нуқтаи-назаридан қуйидаги энг муҳим бир неча мантиқий хулосаларни чиқариш мумкин: а) маҳаллий бюджет харажатларининг самарали сарфланишини таъминлаш, энг аввало, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган харажатларнинг (86,0-87,0%) самарали сарфланишига боғлиқ.

Айнан ана шу харажатларнинг самарали сарфланишини таъминлашга эришмасдан туриб, умумий тарзда маҳаллий бюджет харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашга эришишнинг иложи йўқ; б) иқтисодиётга харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари ҳам (8,0-9,0%) маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашда муҳим роллардан бирини ўйнайди. Бунда харажатларнинг ҳар икки турига нисбатан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади; в)

⁴Фарғона вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган ва ҳисоб-китоб қилинган.

маҳаллий бюджет харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашнинг маълум бир захиралари давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатларини оқилона сарфланишида мужассам. Айниқса, бу жараёнда ҳар икки харажат турларининг унумсиз эканлигига эътибор бериш ва муаммони ҳал этишга шундан келиб чиқиб ёндашиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти бюджетихаражатлари таркиби, таркибий тузилмаси ва ундаги ўзгаришлар⁵, %да

т/р	Харажат турлари	Йиллар										Ўрта-часи
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар	89,17	88,60	85,61	83,00	86,85	87,87	90,79	85,40	79,31	84,32	86,09
2.	Иқтисодиётга харажатлар	3,79	3,05	3,81	4,14	5,77	4,74	4,25	4,79	5,44	4,32	4,41
3.	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	3,83	4,12	6,26	8,23	3,80	4,01	1,39	3,74	4,90	2,94	4,32
4.	Давлат бошқарув органларинисақ-лаш харажатлари	1,00	0,66	0,84	0,96	0,95	0,77	0,83	1,78	2,65	3,61	1,41
5.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	1,57	1,69	1,77	1,99	2,14	2,23	2,55	2,65	2,10	1,52	2,02
6.	Заҳира жамғармаси	0,15	0,29	0,09	0,10	0,11	0,12	0,11	0,70	0,82	0,83	0,33
7.	Бошқа харажатлар	0,49	1,59	1,62	1,59	0,38	0,28	0,07	0,93	4,78	2,45	1,42
	Харажатлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, уни характерлайдиган кўрсаткичлар тизими ва уларга хос бўлган ўзгаришлар таҳлилини амалга ошириш ҳам бу маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлашда ўз ўрнига эга.

5-жадвалда Фарғона вилояти мисолида бюджет маблағларининг амалиётда қандай фойдаланилганлигини характерловчи бир неча кўрсаткичлар келтирилмоқда. Улардан келиб чиқадиган умумий хулосаларни, қисқача, қуйидагича ифодалаш мумкин: а) алоҳида олинган вилоят миқёсида ҳам катта миқдордаги бюджет маблағларининг сарфланишига тўғри келмоқда; б) амалиёт бу маблағлар бир қисмининг самарасиз сарфланаётганлигини кўрсатмоқда; в) бюджет маблағларининг сарфланишида ҳар йили узлуксиз равишда молиявий хатоликларга йўл қўйилмоқда ҳамда бунинг натижасида пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади вужудга келмоқда ва ўзлаштиришлар содир бўлмоқда, шунингдек, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловларга ҳам йўл қўйилмоқда; г) буларнинг барчаси бюджет маблағларидан

⁵Фарғона вилояти Молия бошқармаси маълумотлари маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган ва ҳисоб-китоб қилинган.

самарали фойдаланишни таъминлаш йўналишида таъсирчан чораларнинг кўрилишини тақозо этмоқда.

Бундай вазиятда ҳозирги шароитда ва яқин истиқболда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун кўйидаги чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва уларни узил-кесил амалиётга жорий этишни тақозо этади: а) бюджет маблағларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари ёки принципларига қатъий риоя этиш ва уларнинг амалиётга тўлиқ қўлланилишига эришиш; б) бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш жараёнида бюджетдан маблағ ажратувчилар ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг масъулияти ва молиявий жавобгарлигини кескин ошириш; в) бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш.

5-жадвал

Фарғона вилоятида 2010, 2014-2019 йиллар кесимида ўтказилган назорат тadbирлари таҳлили⁶(млн. сўм)

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар						
		2010	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Ўтказилган назорат тadbирлари сони	1176	1844	1798	2 339	1161	249	775
2.	Молиявий хатоликлар аниқланган назорат объектлари сони	927	1584	1673	2058	899	201	535
3.	Аниқланган молиявий хатоликлар суммаси, млн. сўм	1470,0	6379,3	10811,1	13144,1	14113,3	3305,4	8382,7
4.	Пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар, млн. сўм	346,1	2802,1	4786,6	3284,6	4084,0	1245,7	1550,1
5.	Жами аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улуши, %	23,5	43,9	44,3	20,0	28,9	37,7	18,5
6.	Ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар, млн. сўм	1124,0	3577,2	6024,4	9859,5	10029,3	2059,7	6832,6
7.	Жами аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улуши, %	76,5	56,1	55,7	75,0	71,1	62,3	81,5
8.	Тикланган маблағлар, млн. сўм	1351,6	5084,4	9498,5	12026,5	11106,4	2631,5	7550,0

⁶ Фарғона вилояти Молия бошқармасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

9.	Жами аниқланган молиявий хатоликлар суммасидаги улуши, %	92,0	79,7	87,9	91,5	78,7	79,6	90,1
----	--	------	------	------	------	------	------	------

Шунингдек, бу жараёнда маҳаллий бюджетлар маблағларидан қанчалик самарасиз фойдаланганлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда улардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги реал вазиятдан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетлар маблағларидан қанчалик самарасиз фойдаланганлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

1. Аниқланган молиявий хатоликлар суммасига нисбатан маҳаллий бюджет харажатларининг самарасиз сарфланиш даражасини аниқлаш. Буни формулада қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$МБХ_{сд} 1 = \frac{АМХ_c}{МБХ_{yc}} \cdot 100 \quad (1)$$

Бу ерда: $МБХ_{сд} 1$ - аниқланган молиявий хатоликлар суммасига нисбатан маҳаллий бюджет харажатларининг самарасиз сарфланиш даражаси, %да; $АМХ_c$ - аниқланган молиявий хатоликлар суммаси; $МБХ_{yc}$ - маҳаллий бюджет харажатларининг умумий суммаси.

2. Пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришларнинг аниқланган суммасига нисбатан маҳаллий бюджет харажатларининг самарасиз сарфланиш даражасини аниқлаш. Буни формула кўринишида қуйидагича ифодаласа бўлади:

$$МБХ_{сд} 2 = \frac{ПМ_{ва} МБК_{ва} \checkmark}{МБХ_{yc}} \cdot 100 \quad (2)$$

Бу ерда: $МБХ_{сд} 2$ - аниқланган пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар суммасига нисбатан маҳаллий бюджет харажатларининг самарасиз сарфланиш даражаси, %да; $ПМ_{ва} МБК_{ва} \checkmark$ - пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар суммаси; $МБХ_{yc}$ - маҳаллий бюджет харажатларининг умумий суммаси.

3. Аниқланган ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар суммасига нисбатан маҳаллий бюджет харажатларининг самарасиз сарфланиш даражасини аниқлаш. Буни формулада қуйидагича ифодалашнинг иложи бор:

$$МБХ_{сд} 3 = \frac{НХ_{ва} ОТ_c}{МБХ_{yc}} \cdot 100 \quad (3)$$

Бу ерда: $МБХ_{сд} 3$ - аниқланган ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар суммасига нисбатан маҳаллий бюджет харажатларининг самарасиз сарфланиш даражаси, %да; $НХ_{ва} ОТ_c$ - аниқланган ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар суммаси;

$МБХ_{yc}$ - маҳаллий бюджет харажатларининг умумий суммаси.

4. Аниқланган молиявий хатоликлар суммасининг бюджетга қайта тикланиш кўрсаткичи. Бир пайтнинг ўзида ушбу кўрсаткичнинг даражасини қуйидаги уч вариантда аниқлаш ўзининг маъносига эга: а) тикланган маблағларнинг маҳаллий бюджет харажатларининг умумий суммасига нисбатан аниқланадиган кўрсаткичи; б) тикланган маблағларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасига нисбатан аниқланадиган кўрсаткичи; в) тикланмаган маблағларнинг аниқланган молиявий хатоликлар суммасига нисбатан аниқланадиган кўрсаткичи.

Бироқ бу кўрсаткичлар маҳаллий бюджет харажатларини самарали ёки самарасиз сарфланишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар тўғрисида умумий тасаввур ҳосил этса-да, бироқ улар бу йўналишдаги шундай вазият кимларнинг ҳисобидан вужудга келганлиги билан боғлиқ бўлган муаммога аниқлик кирита олмайди. Шунинг учун бу масалани унга дахлдор бўлган субъектлар, яъни бюджет муассасалари кесимида ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (б-жадвал).

б-жадвал

2019 йилда Фарғона вилоятидаги бюджет муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишларда аниқланган камомад, ўзлаштириш ва ноқонуний харажатларнинг маълум бир мезонлар асосида гуруҳланиши⁷

Т/р	Вазирлик, бирлашма, корпорация, концерн, ассоциация, компания, ташкилот ва муассасаларнинг номи	Аниқланган камомад, ноқонуний харажат ва бошқа молиявий хатолар суммаси, млн. сўмда	Жамига нисбатан % да
“10,0%дан юқори”			
1.	Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази	902,34	10,76
2.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1167,68	13,93
3.	Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси	1 013,17	12,09
“5,0%дан 10,0%гача”			
1.	Халқ таълими вазирлиги	676,05	8,06
2.	Маданият вазирлиги	419,69	5,01
3.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	557,44	6,65
4.	Ҳокимиятлар	703,06	8,39
5.	Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари	680,54	8,12
6.	Мактабгача таълими вазирлиги	745,86	8,90
